

ISSN:2181-1458

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTNOMASI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



namdu.uz ilmiy@inbox.uz

[Namdu_ilmiybolim](#)

ISSN:2181-0427

2022

6



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Д.Дехқонов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноят, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: [Н.Юсунов](#)

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.06.2022 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (**Баённома № 6**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ШАРҚ ВА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ХРИСТИАН ИЛОҲИЁТЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ТАЪСИРЛАРИ

Музаффаров Фируз Давронович
БухДУ доценти, фалсафа доктори (PhD)

Резюме: Ушбу мақола фалсафа тарихида ўзига хос ўринга эга, бетакрор шахсият Хужжат-ул Ислоҳ Имом Ғаззолийнинг Шарқдаги кураши ва Ғарбий Европа фалсафий фикр тараққиётига қўшган ҳиссаси таҳлилига қаратилган.

Таянч сўзлар: ислоҳ, шариат, тасаввуф, машшоийюн, табиийюн, фалсафа, ботинийлик, Арасту, Фаробий, Ибн Сино.

EFFECTS OF IMAM GHAZALI ON THE DEVELOPMENT OF CHRISTIAN THEOLOGY IN EASTERN AND WESTERN EUROPE

Muzaffarov Firuz Davronovich
Associate Professor of BSU, Doctor of Philosophy (PhD)

Abstract, This article is devoted to the struggle of the unique personality of Khujatul Islam Imam Ghazali, who had a specific significance in the history of philosophy and the analysis of his contribution to the development of philosophical thought in Western Europe.

Key words: islam, shariat, Sufism, mashshashiyun, tabiiyyun, philosophy, batininds, Aristotle, Farabi, Ibn Sina.

ВЛИЯНИЕ ИМАМА ГАЗАЛИ НА РАЗВИТИЕ ХРИСТИАНСКОГО БОГОСЛОВИЯ В ВОСТОЧНОЙ И ЗАПАДНОЙ ЕВРОПЕ

Музаффаров Фируз Давронович
доцент БухГУ, доктор философских наук (PhD)

Резюме: Данной статья посвящена борьбе неповторимой личности Худжатул Ислам Имам Газали, имевший специфическое значение в истории философии и анализу его вклада в развитие философской мысли Западной Европы.

Ключевые слова. Ислам, шариат., машшашиюн, табииюн, философия, батиниди, Аристотель Фараби, Ибн Сина.

Имом Ғаззолий(1058-1111)нинг ислоҳ, шариъат ва тасаввуф масъалаларида Машшаийюн, Табиийюн илм-фан, фалсафа ва шийъа ботинийя-таълимийя бидъат мазҳаблари вакиллари билан Шарқда олиб борган омонсиз эътқодий ва амалий савашлари, бениҳоя мураккаб, кенг кўламли ва оғир кечганидек, унинг номи, таълимоти билан боғлиқ христиан Ғарбий Оврүпосида илк ўрта асрлардан бошлаб давом этган жараёнлар ҳам ўта мураккаб, катта таъсир кучига эга бўлган.

Бир томондан, шундай диний-мафкуравий парадигмал ҳолат вужудга келганки, Ғаззолий асарлари, таълимоти, ғоялари, унинг ўзининг миллий-диний ғоялари, интилишлари, истак-хоҳишларга қарама-қарши ўлароқ, христиан илоҳиётчилари, зиёлийлари ўртасида, ўша даврда Шарқдан келаётган энг илғор саналган илм-фан, фалсафий ғоялар, янги ҳаёт, тараққиёт учун кураш ғоялар, қарашлар ифодаси деб қаралган(“Саволлар ва уларнинг жавоблари” ва бошқа рисоалари). Ҳатто, Арасту,



Фаробий ва Ибн Синолар таълимот, қарашлари сифатида олиб қаралиб, христиан илоҳиётчилари уларга қарши кайфиятда бўлганликларини Олмониялик фалсафа, дин тарихи мутахассиси Х.Лей ўзининг диққатга сазовор ҳар икки асарида муфассал кўрсатган дейиш мумкин [1].

Бошқа томондан эса, Ғарбий Европа христиан католик, протестантизм “Авлиё Оталари” Улуғ Альберт, Фома Аквинский ва бошқалар томонидан Ғарб “Авиценнизм”, “Аверроизм” каби илғор оқимларга қарши Падуя, Турин, Сорбонна(Париж) ва Лондон қироллик университетларидаги оғир ва ўта мураккаб жадалий курашларда назарий-мантикий ва методологик таянч вазифасини ўтаган, диний-мафкуравий ғоялар курашига катта таъсир кўрсатган. Демак, ана шу маънода Имом Ғаззолий ғоялари, таълимоти, асарлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам жаҳон илм-фани, фалсафаси тараққиётига сезиларли, ҳал қилувчи таъсир кўрсатганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Имом Ғаззолий ҳақидаги аниқ таърифлардан бири Ренанда бор, у биринчилардан бўлиб Европа фалсафаси учун араб илм-фани аҳамиятини кўрсатиб берган. Унинг хулосалари баъзида бир қатор чекинишлар орқали йўқ қилинади. Унинг “Аверроэс ва аверроизм” асарида қўйидаги хулоса чиқарилади: “Фалсафадан кейин мистицизмга мурожаат қиладиганлар, охириг ваҳид сифатида, асосан фалсафанинг ашаддий душманига айланадилар. Ғаззолий сўфий бўлгач, одатда кучли бўлмаган, аммо эҳтиросга бериладиган ақлларни ўзига жалб этадиган маневр воситасида ақл-идроқнинг кучсизлигини исботлай бошлади, у динни скептицизмга асослай бошлади” [2]. Скептицизм (Ренаннинг ушбу таъкидига эътибор бермоқ керак) фалсафага дохил эмас (киритилмайди). Скепсис субъектив идеализм воситаси сифатида материалистик фалсафага кескин қарама-қаршиликда туради. Фалсафа материалистик, табиатшунослик билан боғлиқ араб файласуфларининг асосий позициясини белгилаб беради.

Ғаззолий ҳақидаги тасаввурга Ренан қўшимча қилади: “Сабабият принципини танқид қила туриб, у рационализмга қарши ҳужумни бошлади. Юм бошқа бирор нарса демаган...Табиат қонунлари фактдан ўзга бирор нарсани ифодаламайди...Кўришиб турибдики, бу ҳар қандай илм-фанни рад этиш бўлган. Ғаззолий динни ақл-идроқ устидан кулиш усули деб ҳисоблайдиган ғаройиб ақллардан бири эди...”

Ғаззолий фаннинг аҳмиятини пасайтириб, инсон комилликка агар ақл-идроқнинг қобилиятларидан фойдаланишдан воз кечса фақатгина эриша олади, деб таъкидлайди”.

Кейинги давр идеалист-муаллифларда бундай аниқ баҳо учрамайди. С.Мунк Ғаззолийнинг араб фалсафаси тарихидаги ўрнини кўриб чиқиб, унинг таълимотини скептицизм сифатида таърифлайди [3]. Бироқ, шу билан бирга унинг этикага доир ишларини, “ҳаётнинг амалий томонларига мурожаат қилинган асарларини таҳсинга лойиқ деб ҳисоблайди”.

Дюго Ғаззолийни мърифатпарвар Пьер Бейл (1647-1705) билан бир қаторга қўйиб, иккаласининг қарашларида уйғунлик бор дейди. Дильтей Ғаззолийга эътибор қаратмайди. Бироқ, унинг “Руҳ тўғрисидаги фанга кириш” асарида араб илм-фани аҳамиятига эътиборини қаратади. Унинг фикрига кўра, “табиат тўғрисидаги арабларнинг билимлари” “космос ҳақидаги биргина, майли ҳатто сабабий тушунтиришнинг мукамал бўлмаган уриниши бўлмасада, билимларининг мавжуд тавсифий ва теологик алоқасини алиштириши” ҳолатида эмас эди[4]. Сабабий тушунтиришнинг мавжуд эмаслиги, ҳатто ҳимоя қилинишига қарамай, жиддий камчилик сифатида кўрилмоқда.



Аммо Дильтейнинг “Кириш” асари охирида шундай дейилади: “Скептицизм, соя каби метафизикага эргашиб юради, у бизнинг таассуротларда чегараланганлигимизни исботлашни инкор қилди, чунки биз уларнинг биринчи сабабини била олмаймиз ва ташқи оламнинг ҳақиқий хусусиятлари ҳақида ҳеч нима дея олмаймиз” [5]. Шу тартибда скептицизмга мойиллиги бор тенденциянинг ноҳолис нуқтаи-назар хулосаси фош бўлади. Агар Дильтей Ғаззолий аргументациясини яққол тасаввур этганда эди, у албатта уни “ўша илк даврдаги фан тараққиётининг доно башорати” сифатида эслаб ўтган бўларди. Ворсм Ғаззолийнинг асарлари ҳақида турлича фанларнинг обзорини беради. Унинг ўзи хулосасида мақтайди, чунки неокантчилик ва эмпириокритицизм ўша пайтда домонополистик капитализмнинг империализмга айланиш жараёнига параллел равишда тарқалаётган эди.

Де Буур ўз қарашларида анча босиқлик билан ёндашади. Ғаззолий унинг учун исломнинг энг ёрқин намояндаси. Нидерланд арабшуноси қисқа қилиб шундай дейди: “У бу оламни тушунишдан воз кечди.... (файласуфларга) мувофиқ, дин ёки кўр-кўрона итоат этишни ёки ўзига хос паст даражадан ҳақиқатни билишни англади. Ғаззолий аксинча, динни ички менининг тажрибаси сифатида кўрсатади. Ҳар ким ҳам Ғаззолий сигари буни англаб етмайди...” [6]. Ички тажриба бу дунёни тушунишдаги муқобил сифатида Де Буур топган аниқ бир формулани англади.

Ғаззолий тўғрисида шундай фикрни Карра де Во ҳам айтади. Бироқ унда ҳам маълум бир қарама-қаршиликлар учраб туради. У схоластика “Ғаззолийдан унинг шаклининг мукамаллиги ва қобилиятининг бойлигидан” қарздордир, деб таъкидлайди [7]. Ақл-идрок қуролини мукамал этиш, шу билан уни ақл-идрокка қарши йўналтириш, Карра де Во наздида “ғалати”, аммо имкониятли бўлиб кўринади.

Ғаззолий идрок ва фанга мувофиқ ҳолда мантикий аппаратни, Арасту томонидан яратилган ва Фаробий ҳамда Ибн Сино табиатшунослиқда қўллашга ўргатган, аппаратни сохталаштириш ва ундан фойдаланиш йўлидан боради. Шу билан бирга унда схоластика тўғрисида муҳим фикрлари учрайди. Кечки ортодоксал схоластлар Алберт ва Фомалар Ибн Синони иқтибос келтиришганда, улар Ғаззолий қарашларига ўхшатиб баён қиладилар. Алоқалар одатий бўлган. Ибн Синонинг асарларини шубҳали ҳисоблаганлар.

Бауэр “Диний илмларни тирилтириш” каби асарни таржима қилишини ўз зиммасига олган. Маълумки уни асосан “мукамал ва ранг-баранг диний-ахлоқий далиллар ва исломий интилишларнинг баён этилиши” қизиқтирган, унинг назарий билиш жиҳати эмас, Гердиер Ғаззолийнинг диний тажрибаси ва идеологик пазициясини кўриб чиқиб, унинг ролини “матнларнинг шарҳловчиси ва мутафаккир” сифатида баҳолайди.

Фрик Ғаззолий асарларини авлиё Августиннинг эътирофлари билан қиёслайди. Шу билан бирга у барча дуч келадиган дунёқараш оқимларини сақлаган ҳолда мафкуравий тараққиётнинг лойиҳасини тузади. Оберман Ғаззолий фалсафасидаги келишмайдиган қарама-қаршиликни очиб берди, деб таъкидлайди. У Ғаззолийнинг исломий Аристотелча фалсафаси “тафаккурдаги соф расмий хатони” ўз ичига олиши ҳақидаги фикрини кўриб чиқади. Бу хато, унинг фикрича, “механистик дунёқарашни” яратилмаган материя мавжудлигига олиб борувчини маънавий принцип сифатида “биринчи яратувчи” билан бирлаштиришидадир. Герднер “Мишкот ул-Анвор” асарининг кириш қисмида Ғаззолийнинг назарий билим пазициясини бутун Шарқда умумқабул қилинган деб ҳисоблайди. Ушбу пазицияда скептицизмнинг мавжудлигини



исботлаш қийин иш эмасди. Шунингдек, неокантчилар таққослаш ҳам вужудга келарди. Бироқ агар Шарқ аҳолиси идеалистик схоластика маъносида фақат “ҳақиқатдан”, “шубҳасиз” ва “шартли равишда” деган ифодалардан фойдаланса, бу нарса нарсаларнинг ҳолатига мос келмайди, деб хулоса чиқариш мумкин.

Самуэль М.Цвемор Ғаззолийни Муҳаммад (с.а.в) замонидан кейин буюк мусулмонлардан бири деб ҳисоблайди ва уни “Масихнинг ҳақиқий элчисини” учратмаганлигига жуда афсусланади. Акс ҳолда “мусулмон эътиқоди учун бу буюк курашчи аниқки христианликнинг ҳаворийсига айланган бўлар эди” [8].

Асин Паласиос Ғаззолийнинг догматик теологиясини ҳам таржима қилган. У бу каби ишлар орқали Ғаззолий ва Абеляр, Фома ва схоластика ўртасидаги бўшлиқни йўқотишга ишонар эди. Амалда эса Ғаззолий фалсафаси илк намуна бўлиб, бу усул ёрдамида ҳукмрон ғарбий Европа феодал мафкураси нафақат объектив материя топган, балки араб адабиётидан реакцион нуқтаи-назарни ҳам ўзлаштирган.

Ибн Рушд бир неча бор “Мишкот ул-Анвор” га мурожаат қилиб, Ғаззолий мавзуси учун услубий муносабатда қизиқарли ҳужжат деб кўрсатади. Ғаззолий кўриш қобилиятининг ролини таъкидлаб, бу орқали ҳиссиётлар аҳамиятини кейинчалик ҳам камайтириш мумкин бўлган ўзига хос йўлни топишни ўйлайди. Кўриш учун ёруғлик керак. Идрок этиладиган ҳиссиёт ва предметлар ўртасида учинчи восита омили қолдирилиб, у Ғаззолий учун биринчи планда туради. Ҳиссиёт каби предмет ҳам воситачи омил олдида орқага чекинади. Табиий нур, ёруғлик ашённи кўринадиган қилади, унинг учун моддий оламдан ташқарида жойлашган, билиш жараёни амалга ошираётган бир нарсани муқобили саналади.

Имом Ғаззолийнинг фалсафий мушоҳада ва қарашлари XIII аср Европа фалсафасига прогрессив таъсир кўрсатган. Фаробий ва Ибн Синонинг хатоларини баён қилиш унинг ўзининг қарашлари резюмиси сифатида кўрилган. Шунинг учун кейинроқ адабиётдан яхши хабардор бўлмаслик боис унинг номи баъзан материалист файласуфлар орасида тилга олинади ва унинг таълимотига қарши кураш олиб борилади.

ЮНЕСКО илм-фан, маданият қўмитаси ташаббуси, ҳомийлигида 1962 йилда Дамашқда ўтказилган Имом Ғаззолий 600 йиллик таваллуд кунига бағишланган нуфузли халқаро анжуман бурилиш нуқтаси бўлган эди. Зеро, мазкур анжуманда Имом Ғаззолий ғоялари, қарашлари вориси бўлган етакчи араб давлатлари фаол, ташаббускор иштирокида ўтказилганига қарамай, бу буюк мутаафккиримиз дунёқараши, фаолияти, меъросига илк бор жиддий, ҳозирги замон исломшунослиги, шарқшунослиги, илм-фан тарихчилиги ғоя, принциплари асосида ёндашилганлиги,, етакчи мавқеъ қозонганлиги билан диққатга сазовор бўлган эди. Мазкур сессия ишида энг забардаст Ғарбий Оврупа, Ўрта ва Яқин Шарқ мусулмон олимларидан 36 та хос маърузалар муҳокама учун тақдим этилган, муҳокамалар жуда юксак савияда, қизғин тарзда бориб, салмоқли илмий хулосаларга келинган эди. Бу тез орада Висс-Баодендаги Ислом қомуси маркази томонидан Профессор М.М.Шариф бошчилигидаги нуфузли ҳайъат томонидан, эндиликда ўзи ҳам муҳим манбаа аҳамиятини касб этган “A History of Muslim Philosophy” [9] (1963) китобининг нашр этилишига олиб келди. Бундан бир йил олдин Профессор М.Умаруддиннинг “The Ethical Philosophy of Al-Gazzali” (1962) нашр этилган эди. Ана шу маърузалар орасида Имом Ғаззолийнинг фан тараққиётига оид қарашларига бағишланганлари ҳам анчагина эди.



Дамашқда бўлиб ўтган халқаро анжуманнинг энг катта, оламшумул хулосаси Имом Ғаззолийнинг ислом, шариат илм-фани, фалсафасини “Тирилтирувчи – унга янгидан ҳаёт бағишловчи бўлганлиги” асосий ҳужжат “Ҳужжат-ул-ислом” даражасига эришганлиги яна бир бор таъкидланибгина қолмасдан, М.М.Шариф етакчилигидаги умумлаштирувчи қомусий китобда, унинг ғоялари, меъроси ва дунёқараши ҳозирги замон тараққиётига ҳамоҳанг, уйғунлиги кўрсатилиб, у таклиф этган ғоя, йўл “ўрта йўл”нинг тўғри эканлиги ҳақидаги асосий, креатив хулоса ҳам илгари сурилиб, бу кайхоний мутафаккиримиз ҳаёт йўли, фаолияти, диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний дунёқараши, ғоя, орзу-умидлари, нишонлари мумтоз ўрта аср араб-мусулмон илм-фани, фалсафаси, диний-ирфоний тафаккури тараққиётининг энг йирик вакили эканлиги асослаб берилган эди.

Ҳолбуки Имом Ғаззолий ўз ватани Эронда, араб-мусулмон мамлакатларида, бизнинг Марказий Осиё, анъанавий Туркистон миқёсида доимо кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, ўрганиб келинганлигини шундан ҳам (мажозий маънода) билса бўладикки, Имом Ғаззолий келмаган, қадам босмаган минтақамизда унинг “муқаддас мазори” (Бухоро, Самарқандда) борлиги, унга зиёратчилар қадами узилмай келганлиги, ҳамда унинг “Ихёу улумид-дин” дан тортиб, “Кимиёи саодат” каби асарларигача шарҳ, хошиялари, таржималари (Шарқий Туркистонда) уйғур тилидаки “Кимиёи саодат” таржимаси ва 1904 йилда Тошкентда ҳозирги ўзбек тилидаги литографик таржимаси нашри назарда тутилмоқда) тузилиб, ўрганилиб келинган.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Ғаззолийни ислом фалсафасида фалсафий фикрнинг қулашига сабаб қилиб кўрсатиш мутлақо нотўғри, гарчи Ғарб тадқиқотчилари орасида ўз нуфузуни йўқотган бу баёнот бугунги кунга қадар машҳурликдан тушмаётган бўлишига қарамасдан. Бундан ташқари фалсафада турғинлик даври Ғаззолий ва унинг “Тахофуту-л-фалосифа” асари ёзилишидан илгари бошланган. Ғаззолий ижоди эса, фалсафанинг йўқолишига эмас, унинг чехрасини ўзгаришига олиб келди. Бир томондан файласуфлар фалсафа ва динни бир-бирига зид томонлардан бирлаштиришга уринишларни тозалаб, муваффақиятли синтезларга эришишга ҳаракат қилган бўлсалар, иккинчи томонидан калом каби диний илмлар фалсафадан ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошладилар. Бундан ташқари “Шахобиддин Сухравардий”, “Носириддин Тусий”, “Жалолиддин Довоний”, “Мулла Садр”, “Ҳайдар Амулий” ва бошқа кўплаб файласуфларнинг мавжудлиги ва исломдан кейинги даврда янги фалсафий мактабларнинг пайдо бўлиши, аксинча, ислом оламидаги фалсафий муҳитнинг бойиб борганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лей Г. Очерк истории средневекового материализма. Москва: ИИЛ. 1962. 588 с., сс.129-142; LeyН. Geschichte der Aufklärung und des Atheismus. Bd. 1,2. Berlin:1966, 1970-1971
2. Ренан Э. Собрание сочинений. 12 томов. Киев, 1902. –С.64.
3. Salomon Munk. Mélanges de philosophie Juive et Arabe. 1859. –С. 369.
4. GustaveDugat. Histoire des philosophes et des théologiens musulmans (de 632 à 1258 J.-C.): Scènes de la vie religieuse en Orient Broché 2002. P.240-241.
5. W. Dilthey, Einleitung in die Geisteswissenschaften, 1972, p.295.
6. T. J. de Boer. The History of Philosophy in Islām. Translated by E. R. Jonas, B.D. pp. 216. London: Luzac & Co., 1903.p.149.



7. Carra de Vaux Gazali. Paris 1902.P.61.
8. S. M. Zvermer, A Moslem Seeker after God. 1920. P.12-13.
9. A History of Muslim Philosophy With short accounts of other Disciplines and the Modern Renaissance in the Muslim Lands Edited and Introduced by M. M. SHARIF Director of the Institute of Islamic Culture, Lahore Pakistan Published by Pakistan Philosophical Congress. 1963. P. 804.

FUQAROLIK JAMIYATIDA SHAXS HUQUQIY TIZIMIDA HUQUQIY IJTIMOYILASHUVI JARAYONIDA NAZORAT

Maxmudova Aziza Nugmanovna
Samarqand davlat tibbiyot universiteti
Ijtimoiy va gumanitar fanlar kafedrasini mudiri,
falsafa fanlari doktori (PhD)
rustamovamaxmudova@bk.ru

Аннотация: Мамлакатимиз mustaqillikning ilk yillaridan boshlab o'z oldiga qo'ygan yuksak maqsadlarga erishishning asosiy mezonini sifatida ushbu maqsadlarga erishishimizning huquqiy asoslarini, har tomonlama chuqur o'ylangan normativ xujjatlarni ishlab chiqish, mamlakatda kuchli huquqiy me'yoriy tizimni yaratish orqali amalga oshirishni nazarda tutdi. Ya'ni, har qanday davlat o'z siyosatini kuchli huquqiy normativ tizim yaratish orqali amalga oshiradi. Mazkur maqolada ijtimoiy nazoratning fuqarolik jamiyatini shakllantirishdagi ahamiyati va eng muhimi ijtimoiy nazoratning shaxs huquqiy ijtimoiylashuvidagi roli masalalarini falsafiy tahlil qilingan.

Таянч иборалар: fuqarolik jamiyati, shaxs, jamoatchilik nazorati, huquq tizimi, qonunchilik tizimi, huquqiy madaniyat, huquqiy amaliyot.

ПРАВОВАЯ СИСТЕМА РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА ПРАВОВОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ В ГРАЖДАНСКОМ ОБЩЕСТВЕ

Махмудова Азиза Нугмановна
Самаркандский государственный медицинский университет
Заведующая кафедрой социальных и гуманитарных наук
e-mail rustamovamaxmudova@bk.ru

Аннотация: Главным критерием достижения высоких целей поставленных нашей страной с первых лет независимости безусловно является создание и реализация правовой базы путем разработки продуманных нормативных документов, создания сильной правовой системы в стране. Государство реализует свою политику путем создания действенной системы правового регулирования. В статье сделан философский анализ значения социального контроля в формировании гражданского общества и правовой социализации личности.

Ключевые слова: гражданское общество, общество, общественный контроль, правовая система, законодательная система, правовая культура, правовая практика.

LEGAL-REGULATORY SYSTEM IN CIVIL SOCIETY CONTROL OF THE PROCESS OF LEGAL SOCIALIZATION OF INDIVIDUALS

Makhmudova Aziza Nugmanovna



39	F-19 Алкалоидининг каламуш аорта препаратига релаксант таъсирида са²⁺- каналининг роли Зарипов А.А., Есимбетов А.Т., Худоярова З.О., Усманов П.Б., Жўракулов Ш.Н	236
40	Хлорелла – биологик стимулятор Файзиева Ф.А., Адизова Ҳ.Р	242
41	<i>Kochia prostrata</i> - galofil endofit bakteriyalarning yangi manbayi Аханбайев Sh.U	246
42	Микроклонал кўпайтириш технологиясининг асосий босқичлари ва ундан фойдаланиш истиқболлари Бозоров Э.Х., Митанов А.Б., Эшмурадова М.Х., Аликулов Б.С	251
43	Полезные свойства, посадка и уход видов <i>berberis integerrima</i>, <i>berberis pumularia bunge</i>, <i>berberis oblonga</i> с.к. schneid кухистанского округа на примере Туркестанского хребта Дадаева Г.С	256
44	Сурхондарё вилояти сариосиё тумани атмосфера ҳавосидаги зарарли моддалар массасини ўрганиш Исмоилходжаев Б.Ш., Абдурахмонов Ж.С	266
45	Influence of the dry form of the biopreparation "Zamin-m" immobilized with a flocculant on the biometric parameters of cotton plants Хужаназарова М.К., Murodova S.S	271

09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

46	Моддий, маънавий ва иқтисодий ҳаёт фалсафасининг ўзаро муштарақлиги. Асрақулова А.Н.....	277
47	Имом ғаззолийнинг шарқ ва ғарбий европа христиан илоҳиётчилиги тараққиётидаги таъсирлари Музаффаров Ф.Д	281
48	Fuqarolik jamiyatida shaxs huquqiy tizimida huquqiy ijtimoiylashuvi jarayonida nazorat Махмудова А.Н	286
49	Хожа исмат бухорий маънавий меросининг шарқ ренессанси юксалишида тутган ўрни Раупова Р.С	294
50	Аёлларга эътибор ва эътироф юксак маданият намунаси Раҳимбаева Д.А	299
51	Махтумқулининг ҳаёт йўли ва маънавий-ахлоқий мероси Раҳимова А.Д	304